

---

## Бўстон маҳалласида “Ўзбекистон - бағрикенг диёр” мавзусида маданий тадбир ташкилланди

“Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳолиси 3737 нафарни, шундан қирғиз миллатига мансуб фуқаролар 2865 нафарни ташкил қилади. Маҳаллада 2 та мактаб, 3 та оиласи мактабгача таълим ташкилотлари, сутни қайта ишлайдиган кичик корхона, 8 та озиқ-овқат ва бошқа савдо дўйонлари мавжуд.

Туман хокимининг ўринbosари Ш.Исабоев, туман Маънавият ва маърифат бўлими О.Мажидов ҳамда туман Маданият бўлими ҳамкорлигида асосан қирғиз миллати вакиллари истиқомад қилиб келаётган “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 34-умумтаълим мактабида “16 ноябрь - Халқаро бағрикенглик куни” муносабати билан “Ўзбекистон - бағрикенг диёр” мавзусида маданий тадбир ташкилланди.

Тадбирга вилоят Қирғиз миллий маданий маркази ходими Наргизахон Холбоева раҳбарлигидаги меҳмонлар таклиф этилди. Таассуротларга бой бўлган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёsat туфайли кейинги йилларда икки халқ дўстлигини мустаҳкамлаш борасида кўплаб амалий ишлар қилиниб келаётганлиги, аҳоли учун чегараларнинг очилганлиги, азалдан қирғиз ва ўзбек фуқароларининг қуда-андада бўлиб яшаб келаётганликлари алоҳида таъкидланди.

Маданий ва маърифий тадбир давомида маҳалладаги бир гурух фаолларга эсадалик совғалари топширилди.

**Т.Абдуллаев,**

**Дин ишлари бўйича қўмитанинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг Тошлок тумани бўйича бош мутахассиси.**

2021-11-22 18:11:50